Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 103 (5394).
7 МАЙ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

1984 йил 21 апрелда В. И. Ленин туғилган кунининг 114 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказилди. Шанбаликда 157 миллиондан кўпроқ киши қатнашди. Улар завод ва фабрикаларда, қурилишларда, совхоз ва колхозларда, транспорт корхоналарида ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, шунингдек шаҳарлар ҳамда аҳоли пунктларини ободонлаштиришда меҳнат қилдилар. Дастлабки маълумотларга кўра, жами 186 миллион сўмлик маблағ ишлаб топилган ва беш йиллик фондига ўтказилган. 985 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган.

Коммунистик шанбалик совет кишиларининг метиндек жипслигини ва улар партиямиз ленинча йўлини, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко СССР Олий Совети Президиумининг Раиси этиб сайланганлигини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини намойиш этди. Шанбалик юксак интизом ва уюшқоқлик кўриги бўлиб қолди, ишлаб чиқариш резервларини аниқлаш ва улардан фойдаланишга кўмаклашди, зарбдор меҳнатнинг ёрқин байрамига айланди. Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари бир процент ошириш ҳамда маҳсулот ва иш таннархини қўшимча ярим процент арзонлаштириш борасидаги социалистик мажбуриятларни бажаришга салмоқли ҳисса қўшилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ишчиларга, колхозчиларга, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларга, ёшларга, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, уруш ва меҳнат ветеранларига, Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида актив иштирок этган барча кишиларга уларнинг фидокорона ва ҳолис меҳнати учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этадилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети меҳнаткашлар билдирган истакларни ҳисобга олиб, шанбаликда ишлаб топилган маблағни оналик ва болаликни муҳофаза қилишни янада яхшилашга, шунингдек уруш ва меҳнат ветеранларига медицина хизматини яхшилашга сарфлаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Москва шаҳри меҳнаткашлари ишлаб топган маблағ 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалаба ёдгорлигини барпо этишга сарфланади.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ



• Коммунистлар—мусобақа пешқадамлари

ПЕШҚАДАМЛАР БУРЧИ

Қуюв цехининг коммунистлари, формовкачиларнинг бригадирлари, «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори Сергей Ким ва унинг собиқ шогирди Ғафур Рўзимуродов бошчилик қилаётган коллективлар Май байрами кунларида корхонада энг юқори ишларга эришдилар.

Формовкачилар бир хил шароитда ишлаган бўлсалар ҳам яқин вақтгача уларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларида катта тафовут бор эди. Ягона наряд асосида меҳнат қилиш афзаллиги туфайли С. Ким бошлиқ бригада тармоқ меҳнатчилари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби ҳисобланиб ташвишлантирди. Бу ҳақдаги масала завод партия комитетининг мажлисида кўтарилганида, С. Ким ўзи қолоқ участкага юборишни илтимос қилди. КПСС аъзолигига кандидат F. Рўзимуродов меҳнатни ташкил этишга такомиллаштиришда унинг ишончли ёрдамчиси бўлди. У мураббий кўмагини билан формалашнинг жадал усулларини тез вақт ичида ўзлаштирди. Сергей Владимировичнинг илтимосига кўра, завод партия комитети яна икки партия аъзосини бригадага юборди. Улардан партия группаси тузилди. Бу партия группаси кўпгина эзгу ишларнинг ташаббускори бўлди. Коммунистлар биринчи йиғилишдаёқ прогулчиларга ва ишёқмасларга муросасиз бўлишларини айтдилар. Кейинчалик эса ўз сўзларини амалий иш билан мустаҳкамладилар — меҳнат интизомини ашаддий бузувчи бир неча кишининг ишдан бўшатилишига эришдилар.

Бригадада илғор тажриба мактаби ишлай бошлади. Бу ерда формовкачилар С. Ким ва Ғ. Рўзимуродов раҳбарлигида маҳорат оширдилар. Бригалида ўтказилган машғулотлар коллективда ишонч ва ўзаро ёрдам вазиятини вужудга келтиришга кўмаклашди. Бу эса унда ягона наряд асосида ишлаш усулини жорий этиш имконини берди.

Бригада қолоқликдан чиқди. Кўп ўтмай Сергей Ким ўзининг аввалги коллективига қайтиб келди, бригадир лавозимига эса Ғафур Рўзимуродовни таклиф қилди. У Ғафурга КПСС аъзолигига ўтиш учун ҳам рекомендация берди.

Ёш коммунист мураббийнинг ишончини шараф билан оқлади. У бошчилик қилаётган интернационал коллектив қолоқларсиз ишламоқда. Бригада пахта териш машиналарининг кожухларини қуйиш учун 60 та ўрнига ҳар куни 75—80 та форма ишлаб чиқармоқда. Бригадада кўпдан буён меҳнат интизомини бузиш ҳоллари сезилмайди. Кўпчилик ишчилар бригадирдан ибрат олиб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртлари ва техникумларда таълим олмоқда.

Ғ. Рўзимуродов бошлиқ бригада Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси ташкил этилган куннинг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақа навбатдаги босқичининг якунларига кўра Биринчи Май арафасида Фахрий ёрлиқ ва кўчма Қизил вимпел билан мукофотланди.

(ЎзТАГ).



Ш. Р. Рашидов номли Тошкент тўқимачилик комбинати ва унинг филиалларида шу кунларда Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақа авж олмоқда. Кўпгина ишчилар бу шонли санагача йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олишган. Бундай ташаббускорлар орасида 1-филиалнинг илғор калаваловчиси Моҳира Умарова ҳам бор.

СУРАТДА: илғор калаваловчи Моҳира Умарова.

В. Сироткин фотоси.

• Истеъмол буюмларига—кенг йўл

АҲДГА ЯРАША

Шаҳримиздаги «Компрессор» заводида халқ эҳтиёжига мос келадиган буюмлар ишлаб чиқаришга катта эътибор бериб келинмоқда. Ўн биринчи беш йиллик бошидан бери корхона ишчилари планга қўшимча равишда 150 минг сўмликдан зиёд кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга эришдилар.

Яқинда корхонада яна бир маҳсулот — ёзги душ комплекти тайёрлана бошланди. Ушбу маҳсулот ёзнинг жазирама саратонида харидорлар учун жуда ҳам асқотади. Айни пайтда бу ерда етти хилдан зиёд кенг истеъмол буюмлари кўплаб миқдорда ишлаб чиқарилмоқда. Завод фидойилари юбилей йилининг дастлабки беш ойи давомида 210 минг сўмлик ўрнига 255 минг сўмлик истеъмол буюмлари тайёрлашга аҳд қилишган.

• Пойтахт қурилишларида

МАЖБУРИЯТНИ УДДАЛАЙМИЗ

Энгельс кўчасидан ўтган киши беихтиёр кўз бунёд этаётган 14 қаватли, кун сайин чиройли очиб бораётган осмонга кўз ташламай иложи йўқ. Бу Олой бозори қаршисида қад кўтарган «Узмежколхозпроект» институтининг ишлаб чиқариш биносидир. Бир қанчадан бино шаҳар марказидаги Матбуот уйини эслатади. Иккисининг ҳам юқори пештоқида улкан соатлари бор. Бу шаҳримиздаги улкан соатли бор иккинчи бинодир.

Бунёдкорлари м и з объектни Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига юксак мажбурият олиниб, объектни бу шонли санага қадар фойдаланишга топшириш учун курашмоқдалар.

Ҳозир объектда қурилиш ишлари тобора юқори нуқтага кўтарилмоқда. Ҳар бир қурувчи зиммадаги юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда, бу шонли санага шахсий меҳнат армуғони ҳозирлаш иштиёқи билан ёнмоқда. Беллашувда айниқса бошқармамизнинг Анатолий Голубев бошлиқ комплекс бригада азаматлари пешқадамлик қилишмоқда. Бинонинг шу ҳолга келишида бу бригаданинг хизмати каттадир. Бригаданинг А. Качков, А. Банкратов, Р. Султонов каби қурувчилари ҳар қандай шароитда юксак унум билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир объектда асосан пардоз ишлари амалга оширилмоқда. Биринчи квартал плани ҳам ортиғи билан адо этилди. Ҳеч шубҳа йўққи, зиммамизга олган мажбуриятимизни муваффақиятли уддалаб, объектни республикамиз тўйига армуғон этамиз.

Ғ. МУҲАМЕДОВ,
11-«Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармаси участка бошлиғи.



Ишга туширилаётган объектларда

СЎНГГИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Космонавтлар проспектида, метро станцияси яқинида бўлажак Пойафзал уйининг кўркам биноси қад кўтариб турибди. Уни 11-«Висотстрой» трестининг 75-қурилиш бошқармаси коллективи бунёд этяпти. Бинода монтаж ишларини Виктор Сотников бошлиқ бригада олиб бормоқда. Ушбу коллектив комплекс бўлиб, унга бетончилар, ғишт терувчилар, монтажчилар, пайвандчилар уюшган. Бригада мунтазам юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда. Чунки коллективнинг ҳар бир аъзоси бир неча турдош касбларни пухта ўзлаштирган. Натижалари ҳам қувончли. Қисқа вақт ичида 20 нафар илғор қурувчи ярим миллион сўмдан зиёд капитал маблағларни ўзлаштиришга муваффақ бўлди.

«Илғор» бирлашмасининг асосий ишлаб чиқариш корхонаси жойлашадиган ушбу бино доира шаклида бўлиб, беш қаватдан иборат. Уни тиклашда монолит участкалардан фойдаланилди. Сотников бригадаси блокларни ерда йиғиб, сўнгра тайёр ҳолда юқорида монтаж қилиб борди. Бу конструкцияларни монтаж қилиш учун кетадиган вақтни сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

Ҳозир монтажчилар билан бирга бу ерда пардозчилар ҳам ишлашяпти. Масалан 45-қурилиш бошқармасининг Николай Денисов бошлиқ бригадаси колонналарни мармар билан қоплаяпти. В. Анисимов, Р. Мелибоев, Г. Коробов каби ишчилар бинонинг ичида сайқал ишларини юксак савияда бажаришяпти. Пойафзал уйини шу йилнинг учинчи кварталида фойдаланишга топшириш белгиланган. Шак-шубҳасиз қурувчилар ўз ваъдаларининг устидан чиқадилар.

* * *

СУРАТЛАРДА: Пойафзал уйининг бугунги қиёфаси; пардозловчилар П. Шишов ва Г. Коробов.

М. Нуриддинов фотолари.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини янада ошириш ва кинематографиянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Қарорнинг баёни тонгги газеталарнинг якшанба кунги сонида эълон қилинган.

Қаҳрамонона анъаналарга садоқат

«Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди» — бу сўзлар Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 39 йиллигига бағишланиб мамлакатда ўтказилаётган хотира вахтасининг шиори бўлиб қолди. Ўзбекистонда хотира вахтаси 4 май куни Тошкентнинг Волгоград проспектида, «Мотамсаро она» меморнал ёдгорлиги ёнида бўлиб ўтган митинг билан бошланди. Митинг қатнашчилари уруш ва меҳнат ветеранлари, Совет Армиясининг жангчилари, республика пойтахтининг йигит ва қизлари, фашизмга қарши қонли жангларда ҳаётини қурбон этиб социализм ғалабаларини ҳимоя қилган, жонажон Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун, келажак авлодларнинг ёрқин истиқболи учун жонини фидо қилган кишилар хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар. Митингда сўзга чиққан кишилар иккинчи жаҳон уруши йилларида совет халқи кўрсатган сўнмас жасорат, бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Беш йилликнинг ёш гвардиячилари ўз тенгдошлари номидан гапириб, кекса авлодларнинг қаҳрамонона анъаналарини зарбдор меҳнат, аъло ўқиш билан давом эттиришга, қарийб 40 йилдан бери мамлакатимиз узра тинч осмонни урушнинг қора булутлари бундан буён ҳам хиралаштирмаслиги учун бутун куч-ғайратни сарфлашга қасамёд қилдилар.

Хотира вахтаси Ғалаба кунигача давом этади. Вахта мардлик сабоқлари ва жанговар, революцион, меҳнат шоншуҳрати жойлари бўйлаб экскурсиялар, ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари фестивалларн ва ўқувчиларнинг тематик конференциялари, ёш армиячиларнинг парадлари ҳамда ҳарбий-спорт байрамлари билан нишонланади.

Хотира вахтаси Ленин комсомолининг «Ғалаба байроғига тенглашайлик» мавзуидаги янги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берди.

ПРАВДА САҲИФАЛАРИДА

● Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш н и н г 2000 йилгача даврга мўлжалланган узоқ муддатли программаси эълон қилинган.

● «Экономика тараққиётини тезлаштириб»— газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, меҳнаткашларнинг газетага йўллаган мактублари, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари эълон қилинган.

• Санъатнинг сеҳрли олами

ТОМОШАГА КИЧКИНТОЙЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройи ҳузуридаги театр студиясининг спектаклига корхона болалар боғчасининг кичкинтойлари ва мактаб ўқувчилари келдилар. Ҳаваскор артистлар шу томошабинлар учун «Пахтаой» музикали эртагини тайёрлашди. Пахта чаноғи тўғрисидаги замонавий эртакни студия қатнашчилари билан бирга шу маданият саройининг «Альянс» вокал-чолғу ансамбли ҳамда ўзбек рақс ансамбли «Ғунча» намойиш қилди.

Бўлғуси педагог Г. Обидова спектаклда бош қаҳрамон ролини ижро этди. Энг ёш қатнашчи ўқувчи Венера Шокирова қувноқ чумоли ролини ўйнади. Спектаклда пойафзал бирлашмасининг бичиқчилари Венера Азимова, Татьяна Смирнова ҳам иштирок этдилар. Студия қатнашчилари саҳнани ўзлари безаб, гримларни ҳам ўзлари қилдилар, костюмларни ўзлари тикдилар...

— Машғулотлар программасига кўра, янги постановкалар устида иш олиб бориш билан бирга театрларга ҳам борилади ва спектакллар муҳокама қилинади, профессионал актёрлар, танқидчилар билан учрашувлар ўтказилади, — дейди пойафзалчилар маданият саройи театр студиясининг раҳбари, ёш томошабинлар театрининг артисти З. Раскин.

Ҳозир ҳаваскор коллектив Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабага бағишланган «Хотира саҳифалари» музикали композициясини тайёрламоқда. Бу композицияга таниқли совет ёзувчиларининг пьесалари, шеърлардан парчалар киритилган.

(ЎзТАГ).

ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА

Кеча анъанага кўра Тошкент шаҳридаги барча районларда совет халқининг Улуғ Ватан урушида қўлга киритган Буюк Ғалабасига бағишланган оммавий енгил атлетика мусобақалари ўтказилди. В. И. Ленин номидаги майдонда Киров райони меҳнаткашларининг вакиллари беллашдилар. Енгил атлетика мусобақаларида 10 мингдан зиёд киши қатнашди. Шаҳарнинг бошқа районларини қўшиб ҳисоблаганда ҳаммаси бўлиб 100 мингга яқин киши енгил атлетика мусобақасида иштирок этди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

11-Висотстрой» трести 75-қурилиш бошқармасининг Владимир Кулагин бошлиқ комплекс бригадаси нодир ўн олти қаватли яхлит монолит турар жой биносининг учинчи қаватида монтаж-ишларини бошлаб юборди.

●

Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округининг тарих музейида «Солдат қасамёди муқаддасдир» деган тантанали маросим ўтказилди. Унда Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, истеъфодаги полковник П. П. Чирва, гвардия капитани Н. Н. Волков озодлик учун олиб борилган жангларда қатнашганликларини ҳикоя қилиб бердилар.

●

Темирйўлчилар маданият саройида халқ тасвирий санъат студияларининг қатнашчилари бўлган ҳаваскор график рассомларнинг ҳисобот виставкаси очилди. Кўргазмага 50 картина қўйилган. Пўлат из машъалларининг портретлари, табиат манзаралари ва натюрмортлар шулар жумласидандир.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 15 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғади. Кечаси 9—14, кундузи 18—23 даража иссиқ бўлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● БЕРЛИН. Берлинда-ги 7 Октябрь номли станкосозлик комбинатининг коллективи шу йилнинг охиригача ишлаб чиқарадиган ҳар хил станкодан бири микроэлектрон қурилма билан жиҳозланади. Бу эса тармоқдаги етакчи корхоналардан бири бўлган ва пойтахтда илғор ҳисобланган корхона ишчиларининг оширилган социалистик мажбуриятларида кўзда тутилган.

Республикадаги бошқа машинасозлик заводларининг коллективлари ҳам ўз олдиларига ана шундай вазифаларни қўйдилар. Микроэлектрониканинг қўлланилиши янги техникавий имкониятларни очиб беради, материал ва электр энергиясини анча тежашга, иш вақтининг зое кетишини камайтиришга, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга олиб келади.

● ЛОНДОН. Англия пойтахтида меҳнаткашларнинг оммавий намойиши Британиянинг ишташлаган кончилари билан бирдамлик белгиси остида ўтди. Ишчилар ва хизматчилар, студентлар ва ўқитувчилар, шифокорлар ва сиёсий партияларнинг намоянлалари колонна-колонна бўлиб Лондоннинг марказий кўчаларидан ўтдилар. Намойишдан кейин катта Лондон муниципал кенгашига яқин жойда жамоатчиликнинг «Виз шахтёрларнинг кураши-ни қўллаб-қувватлаймиз», «Социал эҳтиёжлар учун ажратилган маблағларнинг камайтирилишига йўл қўймаймиз!» деган шиорлар остида митинг бўлиб ўтди. Митингда шахтёрлар касаба союзларининг, лейбористлар партиясининг, мамлакатдаги урушга қарши ташкилотларнинг раҳбарлари сўзга чиқдилар.

● **ГААГА. Амстердамда Голландия урушга қарши ҳаракати активларининг оммавий намойиши бўлди. Баъзи ҳарбий объектларга, шунингдек давлат муассасаларига олиб келаётган йўлларни бир неча соат давомида тўсиб қўйган намойиш қатнашчилари Америка қанотли ракеталарининг Нидерландия территориясида жойлаштирилишига қарши чиқдилар. Маъмурлар намойишчиларга қарши полиция отрядларини ташладилар. Намойишчилардан бир неча киши қамоққа олинди.**

● ПАРИЖ. Франс Пресс агентлиги Америка уй-жой қурилиши ва шаҳарларни ривожлантириш министрлиги тайёрлаган маълумотномага асосланиб қуйидагиларни маълум қилади: америкалик граждандардан 300.000 киши бошпанасиз бўлиб, тунни метрода, темир йўл ва автобус вокзалларида, аэропортларда ёки очиқ ҳавода ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шу америкаликларнинг ўртача ёши 27 дан 35 гачадир. Булар асосан кўпдан бери ишдан маҳрум бўлган ёки ҳеч қачон иш топа олмаган кишилардир, деб ёзади агентлик. Бошпанасизлар айниқса кўп бўлган Америка шаҳарлари рўйхатида Лос-Анжелес, Нью-Йорк ва Чикаго биринчи ўринларгадир.

(ТАСС).

• Қардошлик қонунига биноан

НУРЛИ ОРЗУЛАР

Шаҳримиздаги «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси машинасозлик заводининг ишчилари ўзларини ҳақли равишда интернационал ғояларнинг амалий тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган фидойилар деб билишади. Бу уларнинг ҳозирги кундаги ишларида, бажараётган вазифаларида ўз ифодасини топмоқда. Корхона коллективи кўп йиллардан бери ўнлаб хорижий мамлакатлар билан яқиндан иқтисодий алоқа ўрнатиб келмоқда. Чет эл мамлакатларида ўтказилаётган «Инлегмаш» халқаро кўргазмаларида ушбу корхона маркаси туширилган машиналар муваффақият билан иштирок этиб, нуфузли диплом ва ёрлиқлар билан тақдирланмоқда.

— Юбилей йили маҳсулот экспорт қилиш планини қисқа вақт ичида бажардик, — дейди завод партия комитетининг секретари Т. Крушеницкий. — Болгария, Ангола сингари мамлакатларга 118 минг сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди. Шунга қарамасдан корхонамизга Грециядан буюртма тушган. Биз ушбу мамлакатга йил охиригача 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб беришимиз керак. Ишчиларимиз халқаро дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган бундай масъулиятли вазифани ҳам шараф билан бажарадилар.

Биз партком секретари билан суҳбатлашган пайтда корхонанинг бир группа мутахассис ишчиларидан тузилган интернационал бригада Ангола Республикасига жўнаб кетди. Бу бригада дўст мамлакатда бунёд этилаётган машинасозлик заводини монтаж қилиш ишларида иштирок этади.

Байрам арафасида заводнинг барча цехларида кишига қувонч бахш этадиган юксак кўтаринкилик ҳукмрон. Дастгоҳларни бошқараётган ишчилар — каттами-кичикми барчаси яхши ният билан меҳнат қилмоқда. Уларнинг мақсади қутлуғ, орзу-истаклари эса тинчлик осмонидай мусаффо.

4-механика-йиғув цехи корхонанинг энг илғор участкаси. 200 кишидан ортиқ ишчи ишлайди. Ўзбек, озар, қозоқ, рус, украин — тили, урф-одатлари ҳар хил, лекин мақсади бир коллектив. Цехнинг ўзи иккига бўлинади: пахта тозалаш машиналари деталларини тайёрлаш ҳамда редуктор ва вариаторлар тайёрланадиган участкалар. Машиналарга ишлатиладиган бир мингу беш юз хилдан зиёд деталь ана шу цехда тайёрланади. Цех коллективи 26 апрелдаёқ «Узбексельмаш» ҳамда «Сельхозтехника»га редуктор ва вариаторлар етказиб бериш планини муваффақият билан бажарди. Пландан ташқари 58 дона маҳсулот етказиб берилди.

Цехнинг стадиондан ҳам катта майдонида юмушсиз турган бирор кишини учратмадик. Биз турли миллат вакиллари бўлмиш Тимофей Игумнов, Олимбой Мирзақулов, Алексей Ким, Юрий Гусев, Товфиқ Алиев сингари тажрибали фидокорлар билан таништик. Булар — корхонанинг машъаллари. Май байрами шарафига ярим йиллик шахсий топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Ана шундай жонкуярларнинг меҳнати туфайли цех ойлик планини топшириқларини ортиғи билан уддаламоқда. Юбилей йилида бу ерда 2,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланади. Ҳозир шу марранинг ярми забт этилди.

— Ҳамма гап аҳиллиқда, — дейди силлиқловчи Товфиқ Алиев.— Иттифоқ бўлган жойда олий мақсадга интилишга ишонч ҳам, куч-қудрат ҳам бўлади.

Завод ишчилари КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, республика юбилейини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш, шунингдек амалдаги муваффақиятларини янада кучайтириш учун социалистик мусобақани тобора авж олдириш-ган. Ушбу социалистик мусобақада 4 цех коллективи пешқадамлик қилмоқда. Бу ерда

БУГУН—РАДИО КУНИ





УЗОҚ МАСОФАНИ ЯҚИН ЭТИБ

Радио — ленинча таъбир билан айтганда — қоғозсиз ва масофасиз газетадир. Биз ҳар бир тонгни, ҳар бир меҳнат кунини диктор Маъсуда Алимова ўқийдиган республика «Сўнгги ахборот»ини тинглаш билан бошлаймиз. Республика телевидение ва радиоэшиттириш бўйича Давлат комитетининг редакторлари тайёрлайдиган адабий-драматик радиоэшиттиришлар ҳам тошкентликларга доимо манзур бўлади.

Республика Марказий телеграфи ҳам чинакам олис масофаларни қисқартиради, инсон қўли етиб боролмайдиган жойларни сим орқали боғлайди. Бу ерда тажрибали мутахассислар ҳам, эндигина ишга келган ёшлар ҳам меҳнат қилишади. Коммуникация хабарлари автоматлаштирилган узель цехининг энг яхши ишчилари сифатида катта электромеханик Галина Ли, оператор Рита Яншпун, катта инженер Татьяна Копперни тилга олишади.

Тошкентдаги шаҳорлараро телефон станцияси тинним билмай ишлайди. Телефонистка-лар Раъно Рўзмуҳамедова ва Камола Аҳмедова учун абонентларга саммий ва сифатли хизмат кўрсатиш оддий қонда бўлиб қолган. Уларнинг иккаласи ҳам коммунистик меҳнат зарбдоридир.







• БАЙРАМ ИНТЕРВЬЮСИ

РАДИОЭШИТТИРИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Бугун Радио ва алоқа ходимлари куни. Махсус мухбирларимиз Узбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети партия комитетининг секретари Ойсара Ёдгоровна МИРОҚИЛОВАдан Узбекистон радиожурналистларни ўз байрамларини қандай кутиб олаётганликлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилишди.

— Ойсара Ёдгоровна, Радио кунини қандай ютуқлар билан кутиб олясизлар?

— Ўзбекистон радиожурналистлари, тошкентлик репортёрлар ўз байрамларини КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган апрель (1984 йил) Пленуми тарихий қарорлари, унда партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко сўзлаган ёрқин мазмунли нутқи жўш урдирган юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олмоқдалар. Ўртоқ К. У. Черненко Пленумда шундай деган эди: «Биз партиянинг коллектив фикрини анча активлаштиришимиз лозим. Бу соҳада умумий назарий фикрнигина эмас, сиёсий фикрни ҳам назарда тутаман. Янги тажриба билан бойитилган назария ва марксизм-ленинизм назарияси асосида ижодий идрок қилиниган тажриба — ҳамиша партиямиз кучининг энг муҳим манбаи бўлиб келди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди». Бугунги кунда биз, радиожурналистларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бунни амалга оширишга ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

Ўзбекистон радиосининг эшиттиришлари бугунги кунда ғоятда оммавийдир. У бир кеча-кундузда 33 соат эшиттириш бермоқда. Йил сайин бу эшиттиришлар тематикаси ранг-баранглашиб, ғоявий-профессионал савияси эса ошиб бормоқда.

— Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига қандай армуғонлар тайёрлаяпсизлар?

— Радиотингловчилар сафини янада кенгайтириш учун биз янги-янги программалар устида ўйлаяпмиз. Улар омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини янада оширишга қаратиляпти. Республика аҳолиси ўртасида айниқса пропаганда бош редакцияси — бизнинг асосий редакциямиз — тайёрлаётган эшиттиришлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Редакция коллективи партиямизнинг иқтисодий сиёсатини кенг тушунтиришда, халқ хўжалигининг барча соҳаларида янада юксак кўрсаткичларга эришиш, совет кишилари моддий фаровонлигини оширишга қаратилган йўлини ўз эшиттиришларида акс эттиришда.

Республикада истиқомат қилаётган ҳар бир киши, ҳар бир тошкентликка шу нарса яхши маълумки, республикамизда пахта етиштиришни кўпайтиришга, умуман қишлоқ хўжалигини юксалтиришга муттасил эътибор қаратиляпти. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги бош редакцияси тайёрлаётган программалар бу вазифаларни жадал ва муваффақиятли ҳал этишга ўз муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Биз дала гвардиячилари, пешқадам чорвадорлар, уларнинг иш тажрибалари ҳақида мунтазам ҳикоя қилиб боряпмиз. Ҳар йили пахта йиғим-терими даврида радиожурналистларнинг илҳоми айниқса жўш уради.

Радио, Ленин таъбири билан айтганда, қоғозсиз ва масофасиз газетадир. Бу эса ахборотларнинг тезкорлигини оширишни талаб этади. Ҳозир ахборотларимизни республиканинг турли бурчакларида тинглашаётганини эътиборга олсак, зиммамизда нақадар катта масъулият борлигини яққол ҳис этиш қийин эмас. Шунинг учун ҳам сўнгги ахборот редакцияси иложи борича республикадаги энг муҳим воқеалар ҳақида ҳар бир меҳнаткашга тез ва сифатли ахборот беришга интилмоқда. Сўнгги ахборотларни энг тажрибали журналистлар тайёрлашади. Зарур ҳолларда эса биз у ёки бу муҳим воқеа ҳақида қўшимча, махсус эшиттиришлар бериб боряпмиз.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетида чет эл мамлакатлари учун эшиттиришлар халқаро маркази муваффақиятли иш олиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. У ўз эшиттиришларини н н г ҳажми жиҳатидан мамлакатимизда иккинчи ўринда туради. Чет эл мамлакатлари учун еттита тилда эшиттиришлар олиб борилаяпти. Бизнинг эшиттиришларимизни Шарқ ва Осиёдаги 80 дан зиёд мамлакат тинглямоқда. Чет эл мамлакатлари учун эшиттиришлар редакцияси республикамиз ва унинг пойтахти серқуёш Тошкент ҳаётини яхшироқ билиш учун чет эллик тингловчилар учун тематик конкурс ўтказиб бормоқда. Масалан, шаҳарнинг икки минг йиллигини нишонлаш арафасида шундай конкурс ўтказилди. Ҳозир эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги арафасида конкурс ўтказилмоқда. Чет эллик тингловчилар учун радиоэшиттиришларимизнинг асосий мақсади — совет турмуш тарзини, социалистик хўжалик юритиш афзалликларини янада активроқ пропаганда қилиш, мамлакатимиздаги барча қардош халқлар ойласида республикамиз халқи эришаётган меҳнат ютуқларини ёркин кўрсатиб беришдан иборатдир.

— Коллектива ветеранлар ҳам оз эмас...

— Бугун радио ва алоқа ходимлари байрамида тажрибали ветеран ходимларимиз ҳақида бир неча илиқ сўз айтиб ўтгим келади. Булар — пропаганда редакциясининг бош редактори Ш. Қосимов, қишлоқ хўжалиги редакциясининг бош редактори О. Тиловбердиев, Тошкент шаҳри ва пойтахт области учун эшиттиришлар редакциясининг бош редактори Х. Умаров ва бошқалардир.

Радио куни биз учун шодиёна байрам. Биз ўз радиоэшиттиришларимиз коммунистик жамиятни актив бунёд этишда Ўзбекистон халқига янада баракали ёрдам бериши учун барча тадбирларни амалга оширамиз.

• *Кўчалар уларнинг номи билан аталади*

ПУБЛИЦИСТ ВА ТАШКИЛОТЧИ

Тошкентдаги кўчалардан бири А. Саидов номи билан аталади. Айтишларича, А. Саидов ажойиб инсон, талантли журналист бўлган. Ана шу киши ҳақида тўлиқроқ маълумот беришингизни сўраймиз. Бадаловлар онласи.

Чиндан ҳам Тошкентда Арон Саидов номи билан аталувчи кўча бор. Бу бежиз эмас, албатта.

А. Р. Саидов Ўзбекистоннинг кекса журналистларидан бўлиб, биринчилар қаторида комсомол сафига кирган, 1924 йилдан Коммунистик партия аъзоси эди. У социалистик ўзгаришларнинг аҳамияти тўғрисида аҳоли ўртасида жўшқинлик билан тушунтириш ишларини олиб борди.

Москвадаги Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетини битирганидан сўнг, А. Саидов Ўзбекистон ВКП(б) Марказий Комитетининг органи — «Байроқи меҳнат» («Знамя труда») газетасининг масъул редактори этиб тайинланади. Газета республикада индустрлаштириш ишлари ҳақида, бу ишда жонбозлик кўрсатган активистлар, ишчилар, деҳқонлар ҳақида ҳикоя қилар эди. Матбуот меҳнаткашларнинг синфий душманлари — бойлар, реакцион руҳонийлар, буржуа-миллатчи унсурлар кабиларга қарши курашда катта ташкилотчи кучга эга эди. А. Саидов бошчилигидаги редакция ходимлари ҳам ўз фаолиятларини меҳнаткашларнинг эътиборини қозонди.

Мен Арон Саидовни 30-йиллардан бери яхши танир эдим. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати этиб сайланган, уруш йилларида «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётига раҳбарлик қилган эди.

Таниқли журналист кўплаб ёшларга мураббийлик қилди. Ишчи-деҳқон мухбирларининг ижодий ишига меҳр билан қараб, кўплаб журналистларнинг вояга етишига муносиб ҳисса қўшди.

Е. МОРДУХАЕВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Журналистлар союзининг аъзоси.

2 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
7 МАЙ, 1984 й.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

•

ЭЛЕКТР ДАРЁСИ САРЧАШМАЛАРИДА

Урта Осиёда ГОЭЛРО планига мувофиқ қурилган биринчи электр станция— Бўзсув ГЭСининг машина зали томошабинларга очиб қўйилди.

Ҳозирда ҳам ишлаб турган бу ГЭС Ўзбекистон энергетикаси музейининг бир қисми бўлиб қолди. Тошкент шимолий-шарқий кўчаларида ўрнатилган стрелкалар экспозиция сари йўллайди. Урта Осиё экономикасига уч минг от кучи қўшилган йигирманчи йилларда энергетика қурилиши шаҳар чегарасидан ташқарида эди.

ГЭС энергияси шаҳарни электрлаштиришда катта роль ўйнади. Ўшанда шаҳарда атиги бешта дизель установкаси ишлар ва унинг қуввати шаҳар трамвайига зўр-базўр етарди. Ҳозир мамлакатдаги энг катта энергия системаларидан бири—Урта Осиё электр халқасининг сарчашмалари шундай бўлганди.

Бўзсув ГЭСидан атиги бир неча километр наридаги бош пульт шчитида кўк чироқлар — Урта Осиё электр станцияларининг ишлаб турган агрегатлари йилтирамоқда. Мана яна битта, иккита, учта чироқ кўшилди— Норак, Тўхтағул, Курпсой, Чорвоқ ГЭСларининг резерв қувватлари ишга тушди. Кўклам — шу қувватлар ишлайдиган мавсум. Регион дарёларидан тошиб оқа бошлаган сув арзон энергиядан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга имконият беради. Ҳозир катта-катта иссиқлик электр станциялари —Сирдарё, Мари, Тошкент станцияларининг агрегатлари энг оз нагрузка билан ишламоқда. Ёзги жазирама дарё суви шаштини пасайтирганида ана шу станциялар тўла қувват билан ишлай бошлайди.

2-Энергосистема Урта Осиёдаги тўртта республика ҳамда Жанубий Қозоғистондаги бешта область шаҳар ва қишлоқларини энергия билан таъминлайди. Истеъмолчилар юксак вольтли линиялар орқали ҳар йили 86 миллиарддан кўп электр энергиясини олиб турмоқда.

Пульт ёнида қурилаётган электр станцияларининг схемасини кўрасиз. 3,6 миллион киловатт қувватли Рогун ГЭСи ҳамда шу йил ишлай бошлайдиган Бойпаза ГЭСи Вахш дарёсида қурилмоқда. Шунингдек Новоангрен ГРЭсининг (унинг биринчи агрегати шу йилнёқ ток беради), Мари ГРЭСининг иккинчи навбати схемасини кўрасиз.

Бош пульт шчитидаги чироқлар мамлакат регионалларидан биридаги ҳаёт ва меҳнат маромини қайд этиб ёрқирамоқда. Унда Бўзсув ГЭСи учунгина махсус чироқ йўқ. Чунки унинг қуввати ғоят оз. Шундай бўлсада, тўнғич ГЭСнинг энергияси ҳамон туташ системага қўшилиб турибди. Бу энергия Тошкент бош майдонидаги фонтанларни ишлатиб туришгагина кифоя қилади холос. Лекин энг катта дарёлар ҳам жилғадан бошланади. Совет Урта Осиёсидаги биринчи ГЭСнинг музей машина залига кирган киши шуни ҳамиша ёдида тутсин.

[ЎзТАГ].

• Истеъмол буюмларига — кенг йўл

АЪЛО СИФАТЛИ МОЛЛ

Тошкентдаги «Малика» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасида барпо этилган янги технологик поток фақат аъло сифатли молар тайёрлаб чиқармоқда. Бирлашмада тикилган эркаклар ва хотин-қиз кўйлакларни, бошқа кийим-кечаклар харидоргир бўлмоқда. Корхонада шу поток илғор тажриба мактабига айланди. Ишлаб участкаларда ишчилар ўр технологияни механ тирмоқда.

ЎЗБОШИМЧАЛИКК

• Шаҳар хўжалиги мавзуида

ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

Шаҳар архитектураси, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш соҳасида олиб борилган ишлар яхлитланиб пировард натижада аҳолининг унумли меҳнат қилиши ва мириқиб дам олиши учун энг қулай шароит яратиб беришга хизмат қилади. Бу уйғунлашув айниқса, иссиқ иқлим мўътадил бўлган бизнинг шаҳримизда муҳим аҳамиятга эга.

Капитал маблағ ҳажми, техника жиҳозлари ва бошқа муаммо масалалари билан ободончилик ишлари Ўзбекистон пойтахтидаги шаҳар хўжалиги тармоқлари орасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир шаҳримиз аҳолиси унинг кўркам ва фусункорлигини асрашни ўзининг бурчи деб билиши, теварагимизни ўраб турган борлиққа меҳр билан муомалада бўлиши, парвариш этиши лозим.


Бироқ шаҳримиз боғ ва хиёбонларида баъзан бунинг аксини кўрамиз: синдириб кетилган ўриндиқлар ва чироқлар, тўнтарилиб ётган ахлат идишларига кўзимиз тушиб, кўнглимиз ранжийди. Бу борада тартибни сақлаш органлари айрим зарурий чораларни кўрмоқда. Лекин шу билан бирга айрим қурилиш ташкилотларининг ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш соҳасида қилинаётган ишларга хўжасизларча муносабатда бўлиши кейинги пайтда ҳам давом этиб келмоқда. Ҳеч қандай заруриятсиз, ўзбошимчаларча асфальт йўллар ва тротуарлар кўчирилмоқда, дарахт ва кўчатлар кесилиб, яшил майдончалар бузиб ташланмоқда. Баъзан арзимас бир ишни бажара туриб айрим бузувчи-қурувчилар шаҳримиз ташқи қиёфасига беқиёс даражада зарар етказмоқда.

Масалан, «Водоканал» трести водопровод тармоқлари бошқармасига қарашли 2-ремонт-эксплуата ц и я цехи (бошлиғи А. Ш. Шохалимов) ҳеч қандай ордерни расмийлаштирмай туриб, Анҳор бўйидаги сув қувурларини ремонт қилмоқда. Натижада суғориш учун қурилган водопровод тармоғи йўқ қилинган, 120 квадрат метр яшил майдон пайхон бўлган ва олти туп қимматбаҳо дарахт кўчириб ташланган. (суратда пастда). Худди шу цех «Марказ—13» массиви Ў. Юсупов кўчаси бўйлаб қурилган водопровод тармоқларини ремонт қилмоқда. Бу ерда иш олиб бориш учун ордер олинмаган, қазилган котлованнинг тевараги тўсиб қўйилмаган, яшил майдон пайхон этилган.

«Ташметрост р о й» трестининг 2-қурилишмонтаж бошқармаси Ш. Рашидов номли проспектдаги «Узбекистон» метро станцияси олдида қурилиш ишларини олиб бормоқда. Бу ерда ҳам бир неча туп қимматбаҳо дарахт, гулзор пайхон қилинган, яшил майдон узра эса темир-бетон жиҳозлар сочилиб ётибди. (суратда юқорида).

«Ташинжс т р о й» трести 1-қурилиш бошқармаси (бошлиғи В. В. Леонов)даги ўртоқлар ҳам Халқлар Дўстлиги номли проспектда жиддий эътирозга лойиқ бажармоқда. Ҳам қилинаётган ишларнинг тезлиги машғул. Бу ерда 1983 йилда бошланиши лозим бўлган ҳануз кўчаси ётқизилмаган, майдончасида тогдек уюлиб ётган ёқасида. Шунингдек 71-қурилишнинг қармаси (бошлиғи Н. Неженко) Халқлар Дўстлиги проспектида жойлашган вурилиши ўрнатиш чўзиб келмоқда. Чиларнинг айтишича, 600 квадрат метр яшил майдон ва 86 сон қилинган. Ун туп кўп дарахтлар кўчирилган (суратда ўнг томонда).

Юқорида тилга олинган хўжасизларча ишлари ҳамманинг ташвишига сабабчи бўлган шахсларга нисбатан кўрилган конкрет чоралар ҳақида ўқийсиз.





• ЛУҚМА

Макулатура жазавасига

Макулатурани қандай топшириш мумкин! Мана, икки ҳафтадирки ушбу савол 172-мактаб директори Михаил Александрович Каплинни қийнаяпти. Ҳатто гаранг-ситиб қўйяпти. У лоқайдлик ва сансалорлик пардасини ёриб ўта олмаяпти. У турли идораларга мурожаат этди, лекин ҳамма жойда ҳам қуруқ ваъда билан юпатишяпти.

Воқеани бир бошдан баён эта қолайлик. Мактаб пионерлари коммунистик шанбалик куни зўр ғайрат билан меҳнат қилишди. Мактаб территориясини ободонлаштиришда иштирок этишди. Ҳамма ёқни тозалаб, ораста қилиб қўйишди. Шунингдек, 800 килограммга яқин макулатура тўплашди. Қаранки, унн топшириш осон иш эмас экан. «Вторсирьё» шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлов корхонаси автотранспорт ажратмаяпти.

— 350 килограммга яқин макулатурани катта қийинчилик билан топширишга эришдик, дейди М. А. Каплин. Энди яна битта муаммо керак. Транспорт воситаларини қачон ажратишларини аниқ билмаймиз. Сирасини айтганда, ҳозирда макулатура қабул қилиш бизнинг ишимиз эмас.

Пионерлар бошқа яхши ишни «Вторсирьё» корхонаси раҳбарларининг ўзига ўргатиб қўйишди. Ана шу савол жавобини кутади.

А. ВОҲИДОВ.



ФЕЛЬЕТОНЛАР ҚИРОЛИ

**Шу кунларда кенг жамоатчилик томонидан таваллудининг тўқсон йиллигига катта ҳозирлик кўрилаётган севимли ёзувчимиз, улкан сўз санъаткори Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининггина эмас, ўзбек матбуотининг ҳам атоқли намояндаси, хусусан ўзбек фельетонининг моҳир устаси эди. У ўз ижодини журналист, фельетончи сифатида бошлади. Улуғ Октябрь революциясини зўр ҳурсандчилик билан кутиб олган ёзувчи ўзининг ўткир қаламини, жанговар публицистик ҳотирасини унинг хизматига сафарбар этди, ҳозирги кунда, янги ҳаёт, янги турмуш қарор топаётган бир даврда фельетонлари билан тузум душманларига қаршин ўт очди, меҳнаткаш халқнинг ғалабасини яқинлаштирди. Биринчи ўзбек сатирик журнали — «Муштум»нинг ташкилотчиларидан бўлган Абдулла Қодирий унинг дастлабки сонларидан бошлаб, «Бу муштум—зўравонлик-сиёсий программасини белгилаб, «Бу муштум эмас, ҳақлик муштумидир; бу муштум золимлар муштуми эмас, мазлумлар муштумидир», деб ёзган эди. Бу муштум

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА